



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2018 йил 25 МАЙ, ЖУМА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 98 (13.695)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон ахборот макони глобаллашувнинг кучайиши оммавий ахборот воситалари соҳасида дунёда содир бўлаётган воқеаларга тез ва мос равишда муносабат билдириш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик қайта ўзгаришлар ҳақида республика аҳолисини, дунё ҳамжамиятини ўз вақтида ва ҳолисона хабардор қилиш тизимини такомиллаштириш масаласи энг долзарб вазифалардан бирига айланиб бормоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши, давлат ва нодавлат даврий босма нашрлар, телерадиостудиялар, тахририят-матбаа комплексларининг миқдор ва сифат жиҳатидан ўсиши, фуқаролик жамияти институтлари, реклама агентликлари, ахборот хизматлари, медиа коммуникация, интернет журналистикасининг шаклланиши рақобатбардош, янгича шарт-шароитларда ишлай оладиган журналист кадрларни тайёрлаш заруратини таъкидлаётган эътибор.

Жамиятимиз ҳаётида демократик принципларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ва таъсирчан омил ҳисобланади. Бу борада чинакам миллий журналистика мактабини шакллантириш, хусусан, нодавлат оммавий ахборот воситаларини, ахборот ва Интернет тармоғидаги тахлилий сайтларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда юртимизда 1500 дан зиёд оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг барчасига юқори малакали кадрлар зарур. Бироқ, мамлакатимизда бундай кенг қўлмали вазифани ҳал этадиган таянч олий таълим муассасаси мавжуд эмас.

Харакатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг ижросини таъминлаш, шунингдек, ҳозирги тез ўзгараётган глобаллашув даврида журналистиканинг ўзига хос хусусиятлари, тарихий тараққиёти, бугунги ҳолати ва истиқбол билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, бу борада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ва ижодий ишлар самарадорлигини таъминлаш ҳамда ушбу соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан ошириш мақсадида:


1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети (кейинги ўринларда Университет деб юритилади) ташкил этилсин.

2. Белгиланган йўналишда, журналист оммавий ахборот воситалари соҳаси учун ўқувчи кадрлар, шу жумладан, юқори малакали, бир неча хорижий тилларни мукаммал биладиган халқаро журналистлар ҳамда илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, республикада медиатаълим тизимини яратиш, соҳа ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, мазкур йўналишларда илмий ва ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

3. Қўйидагилар Университетнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

журналистика соҳасини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асослари, замонавий медиатеологияларни чуқур ўзлаштирган, юқори малакали журналист кадрларни миллий ва халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлашни таъминлаш;

(Давоми 2-бетда)



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Бугун эрта тонгданоқ анвойи гуллар кўтарган ўғил-қизлар ота-оналари билан ўзлари таълим олган мактаб томон ошқидилар. Бу кун билимга чанқоқ, беғубор орзулар қанотидаги ёшлар, уларнинг меҳридарё устозлари, фарзанди камолини кўриб қувонаётган ота-оналар учун чин маънода байрамга айланди.



ТАРАҚҚИЁТ ЧЎҚҚИЛАРИНИ ЭҒАЛЛАШГА ИНТИЛАЁТГАН ЁШЛАР

Пойтахтимизнинг барча умумтаълим мактабларида бўлгани каби Миробод туманидаги 110-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ҳам 2017-2018 ўқув йилининг якунига бағишланган "Кадрдон мактабимиз бағрида ўқиб-ўрганиш, доимо изланиш, янгиликка, тараққиёт чўққиларини эгаллашга интилиб яшаймиз!" шиори остида сафланиш тадбири ўтказилди.

— Мамлакатимизда таълим тизимини ислох қилиш, шу жумладан мактаб таълимини ривожлантириш, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Сухробек Кирғизбаев. — Бугунги ёшлар мустақил Ўзбекистоннинг келажаги, пойдевори, таянчи ва сўянчи ҳисобланади. Зеро, бугунги кун баркамол авлоди қанчалик маънавий жиҳатдан баркамол, етук, салоҳиятли инсонлар бўлиб вояга етсалар, уларнинг ҳар бирида ор-номус, миллий ғурур руҳи кенг шаклланиб бора, қўзланган юксак тараққиёт сари қомил ишонч билан илгарилар бораверамиз, чунки миллат равнақи камолоти унинг олтин кумушлари, дуру жаҳоирлари билан эмас, балки унинг олим-фузалолари, донишмандлари ва албатта, фидокор, садоқатли, билимли, кучли фарзандлари билан баҳоланади. Бугунги кунда қилинаётган барча яхши ва хайрли ишлар, эзгу ниятлар келгуси авлод баркамоллиги учун хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, бугун қандай кўчат эксан, эртага шу кўчат мевасини оламиз. Ёш авлоднинг эл-юртга, Ватанига содиқ, иймон-этиқодли, мард ва жасур, маънан бой, ақлан етук, жисмонан бақувват инсонлар қилиб тарбиялашда умумтаълим мактабларининг алоҳида ўрни бор.

Тадбирга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ходими Н.Алимова, Миробод туман халқ таълими бўлими ходими Ш.Исмоилов, Шароф Рашидов номидаги

махалла фуқаролар йиғини раиси С.Асомова ва кўп йиллар 110-мактабда меҳнат қилиб, ҳозирги кунда кексалик гаштини сураётган фахрий устозлар таъриф буюрдилар. Шунингдек, сафланиш тадбирида мактаб ўқувчилари ва ота-оналар иштирок этди.

Барчанинг қалбига ўзгача ҳаяжон солган мазкур байрам тадбирида сўзга чиққанлар 2017-2018 ўқув йилининг якунланиши, жорий этилаётган 11 йиллик умумий ўрта таълим тизимининг мазмун-моҳияти, янги ўқув йилидан бошланғич синфларда ҳафтасига 5 кунлик ўқиш жараёнига ўтилиши, ёшлар он-гиди Ватанга муҳаббат, кекса авлод вакилларига ҳурмат, тинчлик ва осойишталикка дахлдорлик туйғуларини кучайтириш кераклиги, ўқитувчи ва ўқувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишди.

— Халқ таълими тизимида ҳам жамиятимизда кечаётган туб ўзгаришларга ҳамроҳанг тарзда таълим-тарбия жараёнларини замонавий талаблар даражасида ташкил этиш йўлида чуқур ўйланган ислохотлар ўтказилмоқда, — дейди 110-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директори ўринбосари Ойбек Қодиров. — Ота-оналар ҳамда кенг жамоатчиликнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб, 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларига ўзларининг хоҳиш-истаклари асосида мактабнинг 10-синфиди ўқишни давом эттиришларига имконият яратиб берилиб, юртимизда 11 йиллик мажбурий таълим жорий этилди. 2017-2018 ўқув йилида мактабнинг 9-синфини 281 нафар ўғил-қиз битириб, улардан 37 нафари академик лицей, 244 нафари жонажон, азиз мактабиди 10-синфда қолиш истагини билдирган.

(Давоми 3-бетда)

ТУРКИЯДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК ИМКОНИАТЛАРИГА НИСБАТАН ҚИЗИҚИШ КУЧАЙМОҚДА

Кейинги пайтларда Туркияда Ўзбекистоннинг замонавий ҳаёти, рўй бераётган мислсиз ўзгаришлар, очилаётган янги сайёҳлик имкониятларига нисбатан қизиқишнинг тобора кучайиб бораётгани кузатишмоқда.



Жорий йилнинг январь ойида Туркиядаги етакчи оммавий ахборот воситаларидан бири — "Derin Ekonomi" иқтисодий журнали ҳамда "Yeni Safak" кундалик газетасининг сиёсий шарҳловчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номини 2018 йили ўз мамлакатлари ва минтақаларидаги вазиятнинг ўзгаришига салмоқли таъсир кўрсатишга қодир бўлган дунё етакчиларининг биринчи ўнлиги рўйхатига киритдилар.

2018 йил март ойида "Yatirim ve Finansman ve Die Taceret" журналининг Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасига бағишланган махсус сони эълон қилинган эди. Бундан ташқари, "Bloomberg Weekly" журнали Туркия нашрининг март ойи сонидида Евроосиё иқтисодий муносабатлар ассоциациясининг раҳбари Ҳикмет Эрен қаламига мансуб "Ўзбекистон бутун дунёга очилмоқда" сарлавҳали мақола босилиб чиқди.

Жорий йил апрель ойида "Die Taceret" иқтисодий журналининг ўсиб бораётган Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятига бағишланган махсус сони чоп этилди. Мазкур махсус сонда мамлакатимиз Президентининг нутқларида миллий иқтисодиётнинг ўсишида сайёҳлик тутадиغان ўрин ва унинг аҳамияти ҳақида айтилган муҳим фикрлар, туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.Абдуҳақимов ҳамда республикаимизнинг Туркиядаги элчиси А.Азизовнинг интервьюлари журнал ўқувчиларининг эътиборига ҳавола қилинган. Мақолаларда сайёҳликни жадал ривожлантириш юзасидан Ўзбекистон давлат сиёсатидаги асосий йўналишлар, устуворликлар ҳамда улар бераётган натижалар рўй-рост очиб берилган. Уларда мамлакатимиздаги сайёҳликнинг янги имкониятлари, чет эллик сайёҳчилар ва сайёҳлик индустрияси сармоядорлари учун яратилаётган қулай шароитларга алоҳида эътибор қаратилган.

"Die Taceret" иқтисодий журнали томонидан таянчангидек, сайёҳлик Ўзбекистон иқтисодиётининг стратегик жабҳаси сифатида белгиланган. Мамлакатимизда Туркия фуқаролари учун ўттиз кунлик визасиз режими тартиби жорий этилгани, халқаро ва минтақавий сайёҳлик бозорига таъсир кўрсатишга қодир бўлган туб ислохотлар амалга оширилаётгани ҳақидаги тахлилий маълумотлар зарур рақамлар билан бирга мазкур махсус сон саҳифаларидан жой олган.

Туркия ижтимоий-сиёсий ва ишбилармон доираларида ҳам катта қизиқиш уйғотган Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Ўзбекистон Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасига алоҳида бўлим бағишланган. Унда мазмун ва моҳият нуқтаи назаридан ушбу Мурожаатноманинг амалий ва тарихий аҳамияти таъкидланган. 2018 йил Ўзбекистонда "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили", деб эълон қилинганга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Қайд этилганидек, давлатимиз раҳбарининг мазкур Мурожаатномаси Ўзбекистонни ривожланишнинг янги босқичига олиб чиқишга хизмат қиладиган муҳим ғояларга жуда бойдир.

"Дунё" АА,
Анкара

КИТОБХОНЛИКНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЭЗГУ ҚАДАМ

Пойтахтимиз марказидаги Сайилгоҳ кўчасида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 24-25 май кунлари "Китобхонлик маданиятини юксалтириш — буюк мақсадларимизга эришишнинг муҳим қафолатидир" шиори остида Республика китоб байрами ўтказилди.



Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 майдаги йиғилиш баёнида белгиланган берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирга республикамизнинг турли ҳудудларидан адабиёт муҳлислари, ижодкор-зиёлилар, талаба-ёшлар таъриф буюришди.

Китоб байрамини ўтказишдан қўзланган асосий мақсад китобнинг жамиятимиз

маънавий-маърифий ҳаётидаги ўрнини янада ошириш, буюк аждодларимизнинг ёрқин хотираси, замонамиз қаҳрамонлари тисолини ҳаққоний ва халқчил акс эттирувчи адабиётлар салмоқини оширишда адиб ва ноширларни қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, интеллектуал ривожланган, жисмонан соғлом ва маънан баркамол қилиб вояга етказишда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада юксалтириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга қаратилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим,

Маданият вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда нашриётлар, ижодий уйлар, матбаа корхоналари ҳамда китоб савдоси ташкилотлари томонидан китоб ва китоб махсулотлари кўرғазмалари, танловлар, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Республика китоб байрами давом этмоқда.

(Ўз муҳбиримиз)
Ислом Исмоилов олган сурат



• Жиззах вилояти умумтаълим мактабларининг ҳарбий қаҳриққа тайёргарлик ёшидаги ўқувчилари ўртасида "Темурбеклар" ҳарбий спорт мусобақаси ўтказилди. Туман ва шаҳарлардан 13 жамоа иштирок этган мусобақда жамоалар ҳарбий спорт турлари, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда давлат рамзларини шарҳлаш каби 9 шарт бўйича ўз маҳоратини синовдан ўтказди.

• Фарғона вилояти Бувайда туманида янги маданият ва истироҳат боғи фойдаланишга топширилди. Ёзал ва сўлим дам олиш масканига айланган боғ ҳудудидида ёзги амфитеатр мажмуаси ҳам барпо этилган. Болалар учун 20 дан зиёд замонавий аттракционлар ўрнатилган. Рангли ва мусиқали фаввора боғ кўркига кўрк қўшмоқда. Мазкур ишлар учун 40 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

• Муборак Рамазон ойи муносабати билан "Автотест — Нукус" масъулияти чекланган жа-

мияти хайрия акцияси ўтказди. Жамият ташаббуси билан Чимбой ва Хўжайли туманларидаги Мурувват уйлари, Тахиятош уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийига хайрия ёрдами ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказига ногиронлар аравачаси топширилди.



• Кеча Италияда темир йўл ҳалокати содир бўлди. Яъни, темирйўлни тўсиб, унда тўхтаб қолган юк машинасига локомотивнинг келиб урилиши натижасида иккита вагон издан чиқиб кетган, ҳар иккала транспорт воситасининг ҳайдовчилари ҳаётдан қўз юмган бўлиб, 20 киши жараҳат олган.

• Япониянинг фармацевтика соҳасида Осиёдаги энг илғор ва жаҳондаги 15 та етакчилар қаторига кирувчи "TAKEDA" компанияси яна бир йиррик ишлаб чиқарувчи "SHIRE" корхонасининг акцияларини 61,5 миллиард долларга сотиб олишини маълум қилди. Ана шунда у "SHIRE"нинг 50 фоиз акцияларига эгалик қилади ва фармацевтика махсулотларини ишлаб чиқарувчи жаҳондаги энг йиррик компанияга айланади. "TAKEDA" ва "SHIRE" ўртасидаги битимнинг 2019 йилнинг биринчи ярмида имзоланиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММОВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

мамлакатимизнинг оммавий коммуникация ва журналистика соҳасида эришган ютуқлари, хорижий мамлакатлар таълим муассасаларининг тажрибаси ва ҳудудларда фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситаларининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, тегишли йўналишлар ҳамда мутахассисликлар бўйича ўқув-услубий адабиётларни яратиш, шунингдек, ўқув жараёнига замонавий ахборот технологияларини ва масофадан ўқитиш усулларини жорий этиш;

журналистика соҳаси таълимини ривожлантиришнинг илмий-методик вазифаларини ҳал этиш, илгор хорижий технологияларни жорий қилишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш ва иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этиш;

ўқув ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, таълим ва илмий изланишлар жараёнига мутахассисларни кенг жалб этиш мақсадида педагогика соҳасидаги етакчи республика ва хорижий олий таълим муассасалари ҳамда илмий марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

истикболли ёш битирувчиларни хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказларининг магистратура ва докторантурасида таълим олиш учун мунтазам юбориш орқали Университетнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириб бориш;

республика оммавий ахборот воситалари мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий-методик базасини шакллантириш ва ўқув-методик раҳбарлиқни амалга ошириш.

4. Куйидагилар:

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

2018-2021 йилларда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ривожлантириш чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, зарур ҳолларда, Университет тузилмасига олий таълим муассасаси учун белгиланган нормативларга мувофиқ ходимларнинг умумий келган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. 2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш бўйича қабул квоталари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қайд этилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасвииси асосида Университетнинг тегишли таълим йўналишлари бўйича абитуриентларни олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилиш қириш тест синовлари билан бир қаторда уларнинг касб лаёқатини аниқлашга қаратилган касбий (иждоий) имтиҳон (ёзма ва суҳбат шаклида) ўтказиш орқали амалга оширилиши;

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида "Журналистика (фаолият турлари бўйича)" таълим йўналиши ва унинг негизидagi магистратура мутахассисликлари, шу жумладан, "Олий журналистика курслари" бўйича қабул тўхтатилади ҳамда ушбу таълим йўналиши ва унинг негизидagi тегишли магистратура мутахассисликлари бўйича таълим олаётган талабалар ўқишни битиргунларига қадар мазкур олий таълим муассасаларида ўқишини давом эттириладилар;

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Университетга талабаларни бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қабул қилиш сони ҳар йили белгиланган тартибда тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш квоталаридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кадрлар буюртмачиларининг эҳтиёжларини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияга Университетнинг сиртки таълим шакли бўйича қабул квоталарини шакллантириш юзасидан бир ой муддатда тақлиф киритсин.

Қайд этилсинки, сиртки таълим шакли бўйича қабул квоталари 2018/2019 ўқув йилида Университет бакалаврият таълим йўналишлари учун белгиланган қабул квоталарининг ўттиз фоизига бўлган миқдорда белгиланади.

7. Белгилансинки, Университет учун бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативи 1:6,0 нисбатда ўрнатилади ва Университет профессор-ўқитувчиларининг базавий лавозим маошлари миқдорида ўттиз фоиз устама қўшиб ҳисобланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

бир ой муддатда Университет уставининг давлат рўйхатидан ўтказилиши чораларини кўрсин;

2018 йил 15 июнга қадар Университетнинг бўлимлари, факультетлари ва кафедраларини шакллантириш, тасдиқланган тузилмага мувофиқ профессор-ўқитувчилар таркибини юқори малакали, таълим тизимида замонавий билимларга, шунингдек, амалий иш тажрибасига эга мутахассислар билан тўлдирилишини, профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳорати ва даражасини узлуксиз ошириш учун шароитлар яратилишини, ўқув жараёнига юқори малакали хорижий олимлар, профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар кенг жалб этилишини таъминласин;

2018 йил 15 июлга қадар журналистика соҳасида кадрлар тайёрлашга оид илгор хорижий тажриба асосида ўқув режалари ва фан дастурлари, ўқув-методик материаллар ва қўлланмалар ишлаб чиқирилишини ва кафедраларга етказилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда талабаларнинг малакавий амалиётларини белгиланган тартибда миллий, шунингдек, илгор хорижий оммавий ахборот воситалари базасида ташкил этиш чораларини кўрсин;

Университетнинг бошланғич фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида унинг бино ва иншоотларини жорий таъмирлаш ва жиҳозлаш (мебеллар, компьютер техникаси, ўқув адабиётлари ва бошқа моддий-техника воситалари) учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдалансин.

9. Университет кадрлар буюртмачилари рўйхати ва уларга бириктириладиган талабалар сони 4-иловага ҳамда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг амалиёт ўташ объектиларига бириктирилиши 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Куйидагилар Университетда юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кадрлар буюртмачиларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

корхона ва таъкилотлар, объектларида талабаларнинг амалиётини ташкил қилиш ва "устоз-шогирд" тизими асосида ўталишини таъминлаш ҳамда талабаларни ишлаб чиқаришнинг янги меъёрий ҳужжатлари, замонавий ахборот дастурий таъминот маҳсулотлари билан яқиндан таништириш;

ишлаб чиқариш корхона ва таъкилотларидан тайинланган малакавий амалиёт раҳбарлигига асосий иш жойидан қўшимча иш ҳақларини тайинлаш;

манфаатдор вазирлик ва идоралар тасарруфидagi бошқармалар ва уларнинг таркибидagi корхона ва таъкилотлардан малакали, тажрибали мутахассисларнинг таълим жараёнида иштирокини таъминлаш;

корхона ва таъкилотларда профессор-ўқитувчиларнинг стажировкалари учун шарт-шароитлар ҳамда кафедраларнинг филиалларини ташкил этиш ва амалий машғулотлар ўтиш имкониятини яратиш. Кадрлар буюртмачилари талаба билан ўқишни битирганидан сўнг 5 йил ишлаб бериш мажбуриятини белгилловчи шартнома тузиш орқали унинг базавий тўлов контрактини 2-босқичда камиди 50 фоиз, 3-босқичда камиди 75 фоиз ва 4-босқичда 100 фоиз миқдорда тўлаб бериши мумкинлиги қайд этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Университетнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларини хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказларига малакаси-

ни ошириш ва докторантурага юбориш, талабаларнинг малакавий амалиёт ўташини мунтазам ташкил этсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Университетда журналистика соҳаси бўйича илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш очиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

13. Куйидагилар Университет фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

ҳўжалик фаолиятдан ва шартномалар асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жижмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

14. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5, 88-уйда жойлашган Юнусобод дизайн касб-ҳунар коллежининг бино ва иншоотларини тегишли ҳудуди билан бирга Университетга оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бепул бериш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Белгилансинки, Юнусобод дизайн касб-ҳунар коллежининг ўқувчилари ўқишни битиргунларига қадар Университет биноларида ўқув жараёни давом эттириладилар.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Университетни онлайн маъруза ҳамда масофавий таълим учун телекоммуникация жиҳозлари ва инфратузилмаси билан таъминлаш, шунингдек, Интернет ҳамда электрон таълим миллий тармоғига улаш чораларини кўриш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда Университетнинг бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишларини 2019 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилиши бўйича асосланган тақлифлар ишлаб чиқсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Университетни сақлаш харажатларини 2018 йилда ижтимоий соҳа бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида ажратсин, 2019 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутиш;

Университетга 2 та, шу жумладан, 1 та хизмат ва 1 та махсус енгил автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: бир ой муддатда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Васийлик кенгашининг таркибини тасдиқласин;

Университетнинг моддий-техника базасини яратиш, шу жумладан, талабалар турар жойини қуриш ва жиҳозлаш, кичик босмахона ва ўқув телестудияси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича зарур чоралар кўрсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С.Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В.Акмалов ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирини И.У.Маджидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 24 май

ЧАКАНА САВДО АЙЛАНМАСИ
ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Мамлакатимизда тадбиркорликнинг ривожланишига қаратилаётган эътибор туфайли бутун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида кескин ўсишга эришилмоқда. Ишбилармонларимиз томонидан жалсига бозорда рақобатлаша оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, хизмат кўрсатишдаги рақобат эса бу соҳада сифат ва самарадорликни оширмоқда.

Хусусий секторнинг ривожланиши мамлакат иқтисодиётини барқарор ўсиши ҳамда аҳоли фаровонлигида муҳим аҳамият касб этади. Буни чакана савдо айланмасидаги кўрсаткичлар ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Жорий йилнинг январь-апрель ойларида Тошкент шаҳрида 8156,5 млрд. сўмлик чакана савдо айланмаси бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 100,8 % ни ташкил этди.

Шунингдек, йирик корхоналар томонидан чакана савдо айланмаси ҳажми 2125,8 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 122,5 % ни ташкил қилди. Кичик бизнес субъектлари томонидан чакана савдо айланмаси ҳажми 4759,3 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 97,2 % ни ташкил қилди.

Мос равишда, кичик корхона ва мик-

рофирмалар 1843,3 млрд. сўм ёки 89,3 % ни ҳамда норасмий сектор 1271,2 млрд. сўм ёки 86,6 % ни ташкил этди.

Туманлар кесимида чакана савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Чилонзор тумани (21,7 фоиз), Учтепа (13,0 фоиз), Шайхонтохур (12,3 фоиз), Бектемир (11,8 фоиз) ва Юнусобод (10,8 фоиз) туманлари чакана савдо товар айланмасининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

Овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда чакана савдо товар айланмаси аҳоли жон бошига 3,3 млн. сўмни ташкил этди. Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичлари Бектемир тумани (29,1 млн. сўм), Чилонзор тумани (7,3 млн. сўм), Яккасарой тумани (3,1 млн. сўм) Сергели тумани (2,8 млн. сўм) кузатилади.

Тошкент шаҳар статистика
бошқармаси

2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИК
ҲАФТАЛИГИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган ихтирочи хотин-қизларнинг инновацион тадбиркорлик ҳафталиги қизиқарли семинарлар, давра суҳбатлари, тақдимотларга бой бўлмоқда.

Қўмита хотин-қизларнинг ўз истеъдодини намойиш этишга яқиндан қўмаклашиш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда йил давомида малака ошириш курслари, касб-ҳунар ўргатишга йўналтирилган ўқув машғулоти, маҳорат дарсларини ташкил этиб бормоқда. Опа-сингиллари миз томонидан яратилган инновацион маҳсулотлар, техника ва технологияларни амалиётга жорий этиш ва ишлаб чиқариш корхоналарини очиб бўйича мақсадли ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкентлик Лайло Раупова Сергели туманида "Нурли келажак сари" ўқув-инновацион марказини бунёд этмоқда. Бу ерда хусусий мактабга таълим маскани, фан, санъат ва бадий ижодиёт, тил ўрганиш тўғралак, касба ўқитиш ва малака ошириш курслари фаолияти йўлга қўйилди.

– Аёлларнинг эзгу гоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йўлида кенг имкониятлар яратилмоқда, – дейди Л.Раупова. – Бундай имкониятлардан оқилона ва унумли фойдаланиш, уларнинг қадрига етиш бурчимиздир.

Ҳафталикнинг навбатдаги кунда олим ва мутахассислар иштирокида "Товар белгилари ва товар келиб чиққан жой номларининг ҳуқуқий муҳофазаси", "Интеллектуал мулк объектларидан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш", "Стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг маҳсулот рақобатбардорлигида тугган ўрни", "Ташкилот стандартини ишлаб чиқиш ва мувофиқлик сертификати олиш" каби мавзуларда ўқув-семинарлар ўтказилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Депутат фикри

БОШҚАРУВНИНГ ЯНГИ
МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

Мамлакатимизда давлат бошқаруви, умуман бошқарув тизимини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар ва чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бошқарув тизими фаолияти самарадорлигини ошириш, очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, соҳада мавжуд муаммолар ва ишлатилмаётган имконият ва захираларни чуқур таҳлил қилиш асосида унинг энг илгор, замонавий шакллари ва усуллари жорий қилинмоқда.

Шу билан бирга янги ва мустақил фикр-лайидиган, масъулиятли, ташаббускор, илгор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ватанпарвар, ҳалол кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали тизим яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда устав фондида давлат улуши бўлган айрим корхоналар фаолиятида корпоратив бошқарув ва замонавий менежмент усулларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги, ресурсларнинг самарали ишлатилмаётганлиги, улар фаолиятини тизимли таҳлил ва назорат қилишда камчиликлар борлиги яққол кўзга ташланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 12 майдаги "Давлат активларини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида айнан ана шу масалалар ечимига, хусусан, устав фондида давлат улуши кўп бўлган давлат корхоналари ва бошқа юридик шахсларни бошқариш тизимининг самарадорлигини таъминлаш ва фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бинобарин, қарор билан мазкур корхоналарда корпоратив бошқарув жараёнида манфаатлар уйғунлигини таъминлаш, оптимал бошқарув қарорлари қабул қилинишига эришиш, ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, бошқаруwnинг шаффофлигини, очирлиги, молиявий ва ҳўжалик фаолиятини мунтазам таҳлил қилиб бориш асосида уларга юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши ва натижадорлигини назорат қилишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этишга йўналтирилган қатор чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Қарорнинг яна бир жиҳати давлат корхоналари фаолиятини ташкил этишда кенг қўламли ўзгаришлар, янгиланишларни рўйб-га чиқариш, шунингдек, давлат активларининг қийматини ва бошқариш самарадорлигини оширишни назарда тутувчи уларни трансформация қилиш дастурларини амалга оширишнинг халқаро тажрибасини жорий қилишдир. Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари ходимларини корпоратив ва лойиҳа бошқаруви ҳамда давлат харидлари масалалари, замонавий менежмент усуллари бўйича ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этиш тизими такомиллаштирилмоқда.

Булар эса ўз навбатида, мамлакатимизда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган корхона ва компаниялар фаолиятини мутлақо янгича ташкил этишни, бошқариш тизими самарадорлигини ва натижадорлигини таъминлайди ҳамда уларнинг рақобатбардорлигини ошириш, ташқи бозорларда сифатли товарлар билан иштирок этиш, ички бозорни хавфсиз, арзон ва харидорғир маҳсулотлар билан тўлдириш каби вазифаларни амалга оширишда ўта муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Умуман олганда, мазкур ҳужжатда белгиланган чора-тадбирларнинг амалиётга татибқ этилиши устувор соҳаларда, энг аввало, ёқилги-энергетика, агросаноат, тоғ-кон комплексларида, машинасозлик, транспорт, кимё саноати, телекоммуникация соҳаларининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва технологик ривожлантиришга қўмаклашиш имкониятларини янада оширади.

Шу боис биз, депутатлар парламент назорати институтидан кенг фойдаланган ҳолда ушбу қарор ижросини таъминлашда фаол иштирок этишимиз, жойларда унинг мазмун-моҳиятини мутахассислар ва аҳоли ўртасида кенг тушунтиришимиз лозим бўлади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда мана шу қисқа давр мобайнида бошқаруwnинг янги миллий модели яратилаётганлиги барча йўналишларда демократик ўзгаришлар ва янгиланишларнинг мустаҳкам бўлишига, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўси ва позициясининг янада ортишига, энг муҳими, халқимизнинг осойишта ҳаёти таъминланишига, фаровонлиги юксалишига хизмат қилади.

Абдурашид ТЎХТАБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

ТАРАҚҚИЁТ ЧЎҚҚИЛАРИНИ ЭГАЛЛАШГА ИНТИЛАЁТГАН ЁШЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу кун азамат йигитлари лобар қизларнинг самимий кулгулари, ажиб ҳаяжонлари чексиз.

— Барча тенгдошларим каби менин қалбимни ҳам ҳаяжон чулғаб олган, — дейди мактабнинг 9 "а"-синф ўқувчиси Мафтуна Шоанварова. — Ушбу масканда таълим берган барча устозларим, жумладан, биринчи устозим Севара опа Зоҳидова, бизни кўплаб ютуқларга эришимизга сабабчи бўлган Гулнора опа Авезовага катта миннатдорчилик билдирмоқчиман. Келгусида Ислон университети қошидаги академик лицейга ўқишга кириш ниятидаман. Келажакда малакали мутахассис бўлиб етишиб, устозларимнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

— Юртбошимизнинг ёшларга бўлган ишончи, яратиб берилаётган имкониятлар бизни яхши ўқиш, бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссамизни қўшиш сари руҳлантирмоқда, — дейди 9 "з"-синф ўқувчиси Мадина Қодир-зода. — Мактабда тахсил олиш билан бирга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Миробод туман сардорлар Кенгашининг ташаббуси ва лойиҳалар йўналиши сардори сифатида фаолият олиб бораман. Турли танловларда муносиб иштирок этганимиз бизни янада янги марраларни забт этишга

ундайди. Келгусида жонажон мактабимда кадрдон устозларим, синфдошларим билан биргаликда 10-синфда тахсил олмақчиман. Мактабни би-тириб, Тошкент давлат юридик университетида ўқишга кирмоқчиман. Шу ўринда мактаб директори Умида Рашидова ва барча устозларимга катта раҳмат дейман.

Тадбирда йил давомида аъло баҳоларга ўқиган, ўз қобилиятлари, истеъдодлари билан кўплаб кўрик-танлов, билимлар беллашуви, фан олимпиадаси, спорт мусобақаларида иштирок этган ўқувчиларга мактаб маъмурияти томонидан фахрий ёрликлар топширилди. Ўқув йили давомида мактаб ва жамоат ишларида ўзининг фаоллиги билан иштирок этган, фарзандига берган тарбияси, билим олишга шарт-шароит яратиб берган ота-оналарга ҳам ташаккурномалар тақдим этилди.

Тадбирда Ватанимизни, устозларга бўлган эҳтиромни танранум этувчи шеърлар ўқилди, куй-қўшиқлар ижро этилди.

Юнусобод туманидаги 51-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ўтказилган тадбир Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган "Дунёда энг катта бойлик — ёшлиқда олинган билим ва эгалланган касб-хунар" деган қадриятини ўқувчи-ёшларга етказиш, ёшлар онгига Ватанга муҳаббат, кекса авлод вакиллари хурмат, тинчлик ва осойишталикка дахлдорлик туйғуларини кучайтиришга қаратилди.



2017-2018 ўқув йилининг якунига бағишланган "Қадрдон мактабимиз бағрида ўқиб-ўрганиш, доимо изланиш, янгиликка, тараққиёт чўққиларини эгаллашга интилиб яшай-миз!" шиори остида ўтказилган мазкур тадбир барчага кўтаринки кайфият бағишлади. Унда йил давомида аъло баҳоларга ўқиган, юқори кўрсаткичларга эришган, мактаб

ҳаётида фаол иштирок этган, одоб-ахлоқи, интилувчанлиги билан тенгдошларига ўрнатқ бўлаётган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари тақдирланди.

Тадбирда ўқувчи-ёшлар томонидан она Ватани севиш, устоз-мураббийларга бағишланган шеърлар ўқилди, куй-қўшиқлар ижро этилди.

Пойтахтимизнинг барча умумтаълим мактабларида айнан шу шиор остида ўқув йили якунига бағишланган тадбирлар кўтаринки руҳда ташкил этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Ислон Исмоилов олган суратлар

батини бошқарар эшитишини истисно этган ҳолда, уларни визуал кўриб туриш имконияти сақлаб қолинади.

Адвокат ўз профессионал фаолиятини амалга ошириши учун суд биносига компьютер, мобил ва бошқа алоқа воситаларини монеликсиз олиб кириш ҳуқуқига эга. Ёпиқ суд мажлислари бундан мустасно. Бу қўрилмалардан фойдаланиш суд жараёнида ўтказиш тартибини бузмаслиги керак.

Адвокатларнинг юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатларни олиш учун сўровлари сўров қабул қилинган пайтдан бошлаб кўпи билан ўн беш кун муддатда бажарилиши шарт. Адвокат сўровига кўра, маълумотларни ўз вақтида тақдим этмаслик, ёлгон ёки нотўғри маълумотларни тақдим этган айбдор мансабдор шахслар адвокатнинг судга тўғридан-тўғри мурожаатига асосан белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилади.

2018 йил 1 августдан бошлаб тижорат ташкилотлари юридик маслаҳат хизматларини лицензия олмасдан амалга ошириши мумкин. Бунда тижорат ташкилотлари фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича судларда вакиллик қилиш ҳуқуқига эга бўлмайдди.

Шунингдек, адвокатлик макъомини олиш учун малака имтиҳони жараёнида Интернет тармоғида реал вақт режимида трансляция қилиш йўлга қўйилди.

Адвокатлар томонидан аҳолининг ихтимойи ҳимояга муҳтож қатламга бепул ихтиёрий юридик ёрдам кўрсатишини ривожлантириш бўйича чоралар қўйилди.

Эндиликда адвокатлик фаолияти ва суд ишини юритиш билан боғлиқ қонун ҳужжатларининг лойиҳалари Адвокатлар палатаси билан қўшилган шартлиги белгиланган бўлиб, Адвокатлар палатаси раисига Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш бўйича мажлисларида иштирок этиш ва уларга доир фикр билдириш ҳуқуқи берилди.

Бир сўз билан айтганда, соҳа вакиллари берилаётган бу кенг имкониятлар адвокатларнинг самарали фаолият юритишига, жамиятда адвокатура институтининг ўрни ва мавқеи ошишига замин яратди.

Бобур КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси

Адлия вазирлиги масъул ходими

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali" бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказила-диган очик аукцион савдосига тақдир этилди!

Савдога Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармасининг 2018 йил 23 майдаги 208-сонли буюртмаларига асосан, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 5-йи манзилда сақланган кўйидаги автомобилотранспорт ва техникалар қўйилмоқда:

- 1) "ПА3 672" русумли 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 228 DCA бўлган техник соз автобус. Бошланғич баҳоси — 5 636 667 сўм;
- 2) "ПА3 672" русумли 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 208 DCA бўлган техник соз автобус. Бошланғич баҳоси — 5 770 000 сўм;
- 3) "ПА3 672" русумли 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 215 DCA бўлган техник соз автобус. Бошланғич баҳоси — 5 570 000 сўм;
- 4) "ПА3 672" русумли 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 210 DCA бўлган техник соз автобус. Бошланғич баҳоси — 5 770 000 сўм;
- 5) "ПА3 672" русумли 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 236 DCA бўлган техник соз автобус. Бошланғич баҳоси — 5 903 333 сўм;
- 6) "ПА3 3205" русумли 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 193 DCA бўлган техник соз автобус. Бошланғич баҳоси — 3 487 143 сўм;
- 7) "ПА3 211" русумли 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 205 DCA бўлган техник соз автобус. Бошланғич баҳоси — 6 668 889 сўм;
- 8) "ИЖ 2715" русумли 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 231 DCA бўлган техник соз автобус. Бошланғич баҳоси — 2 123 132 сўм;
- 9) "М 41219" русумли 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 197 DCA бўлган техник соз автобус. Бошланғич баҳоси — 2 620 513 сўм;
- 10) "ПА3 3503" русумли 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 198 DCA бўлган техник соз автобус. Бошланғич баҳоси — 6 645 996 сўм;
- 11) "Мотороллер МЕЛЛУН" русумли 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз мотороллер. Бошланғич баҳоси — 924 048 сўм;
- 12) "Погрузчик Львовский вилочный 5 тонн" русумли 1988 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз погрузчик. Бошланғич баҳоси — 10 570 689 сўм;
- 13) "Вилочный погрузчик электрический г/п 1,5 тонн" русумли 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз погрузчик. Бошланғич баҳоси — 6 021 097 сўм.

Автомобилотранспорт воситалари 2018 йил 26 июнь кўни соат 15:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда, такоррий савдолар 2018 йил 10 июль кўни соат 15:00 да ўтказилади. Савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 26 июндаги савдо учун 22 июнь, 10 июлдаги савдо учун 6 июль кўни соат 18:00. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аукцион савдо ўтказилидаги манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамий кўчаси, 1-А" уй.

Савдо қилинган 15 иш кўни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилди.

Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда заҳалат пулини ХАТБ "Давр банк" Яккасарой филиалидаги қўйилган ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2002 МФО: 01069, СТИР: 200933850.

Аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (8-371) 236-38-28. www.mtm.uz.

Гувоҳнома: 001580.

ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ БАРКАМОЛ АВЛОД

Мамлакатимизда ёш авлодга

замонавий билимлар бериш, касб-хунарга ўргатиш, уларнинг иқтидори, қобилияти ва интеллектуал салоҳиятини ўстириш учун барча имкониятлар яратилган.

Кўни кеча шахримизнинг Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида 4-Г" синф ўқувчилари иштирокчида "Оқ йўл тиланг, устозим" деб номланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда шу мактабнинг энг фаол ўқитувчилари, ўқувчилар ҳамда ота-оналар иштирок этишди. Мана 4-синф ўқувчилари бошланғич таълимни тугатдилар. Бугун улар учун катта байрам ва тантана. Уларнинг саҳнада ҳаяжон ила туришлари ёшлиқдаги даврларни кўз олдимизда гавдалантирди. Ўқувчиларнинг айтган шеърлари, рақслари томошабинларга байрамона кайфият улашди. Тадбир 3 та тилда олиб борилди. Ўзбек, инглиз ва рус тилларида бемаъл ол сўзлаётган болажонларга қараб ҳавасингиз, таълим масканда олаётган билимлари келгуси ҳаётлари учун муҳим пойдевор бўлиши дилимиздан ўтди.

— Болажонларни қузатиб туриб, уларнинг илк бора мактаб остонасига қадам қўйган кўнини эсладим, — дейди мазкур синф раҳбари Гулистон Кузиева. — Ҳаш-паш дегунча орадан 4 йил ҳам ўтиб кетди. Билим олишга чанқоқ, тиришқоқ ўғил-қизларга таълим берганимдан хурсандман. Мактабда яратилган шарт-шароитлардан оқилана фойдаланган ёшларимизнинг юксак марраларни қўлга кири-таётганини кўриб беҳад қувонаман.

Ушбу масканда таълим олаётган ўқувчилар турли танловлар, "Билимлар беллашуви"да ҳам муносиб иштирок этиб келишмоқда. Ана шундай 4-синфлар ўртасида бўлиб ўтган "Билимлар беллашуви"да она тили бўйича 1-ўрин Маржона Муҳаммадоева, рус тили бўйича 1-ўрин Ясмина Мингобильева, инглиз тили бўйича 1-ўрин Нозима Улашеввалар ғолиб бўлганлиги қувонди. Тадбирда айнан шу беллашувада ғолиб ва совриндорларга медаллар ва мактос ёрликлари топширилди.

Шоҳсанам БЕРДИБЕКОВА

ЯГОНА МАКТАБ ФОРМАСИ МУҲОКАМАСИ

Мамлакатимиз умумтаълим

мактабларида жорий ўқув йили

яқунланмоқда. Таълим соҳаси

мутахассислари, ўқитувчилар олдида

эса навбатдаги ўқув йилига

тайёргарлик масъулияти турибди.

2018/2019 ўқув йили узгача бошланиши

кутилмоқда. Янги ўқув йилидан барча

ўқувчилар учун ягона мактаб формаси

жорий этилади.

Халқаро пресс-клуб сессиясида бу борада амалга оши-рилаётган чора-тадбирлар муҳокама этилди.

Ота-оналар, уларнинг фарзандлари ва ўқитувчилар хоҳиш-истаклари инобатга олинган ҳолда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ягона мактаб формасини яратиш бўйича тақдир ва тасвирлар берилган эди. Утган вақт мобайнида бу борада аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

"Ўзбекистон Республикасида" уюшмаси ва Халқ таълими ва-зирлиги томонидан соҳа мутахассислари ва етакчи ди-зайнерларни жалб этган ҳолда мактаб ўқувчилари фор-маларининг намуналари яратилди. Янги намунадаги фор-малар ота-оналар, ўқитувчилар ва ўқувчилар, кенг жа-моатчилик муҳокамасига қўйилди. Кўпчилик фикрига кўра, энг мақбул топилган 10 турдаги мактаб формаси тахри-ба-синовдан ўтказишга қўйилди.

Синов жараёни Тошкент шаҳри Яккасарой туманида-ги 91-умумтаълим ва Сирдарё вилояти Сардоба тумани-даги 4-умумтаълим мактабида давом этмоқда. Жараёни сифатли ташкил этиш мақсадида ота-оналар учун сўро-нома тарқатилган. Яқин кунларда тахриба-синовдаги формаларнинг қайси бири мақбул экани ушбу сўровно-маларда билдирилган фикрлар орқали аниқланади.

Мутахассислар фикрича, мактаб формаси нафақат, ташқи кўриниши, бола организмига таъсири, сифати, бал-ки ёш авлодда ватанпарварлик ҳиссини йўғотувчи воси-та ҳамдир. Шу боис формаларни танлашда уларнинг ранги, табиий ҳусусияти ва ихчам дизайнига ҳам эъти-бор қаратилади.

Мактаб формаси 3 ёш гуруҳига бўлинган ҳолда тан-ланиши кўзда тутилмоқда. 1-4, 5-8 ва 9-11 синф ўқув-чилари учун алоҳида-алоҳида формалар яратилган.

Тадбирда иштирок этган ота-оналар тахриба-синов-даги формалар барчага манзур эканини таъкидлади. Улар-нинг сифати яхшилиги, материал 100 фоиз пахта жамъасидан экани ҳам мақсадага мувофиқ.

Сўрономалар ва жамоатчилик ақуний ҳулосасига таъинган ҳолда танланган мактаб формаларини барча ма-ктабларга етказиш мақсадида чора-тадбирлар режаси иш-лаб чиқилган. Унга кўра, формаларни тиқши жараёнига чекка туман ва қишлоқлардаги тикувчилик цехлари жалб этилади.

Кўп фарзандли ота-оналарнинг мактаб формаларини харид қилиши учун қисқа мuddатли кредитлар ажрати-лиши йўлга қўйилмоқда. Мактаб формаси нархларининг ижтимоий оммабоп бўлиши таъминланади.

Улугбек АСРОПОВ,

ЎЗА муҳбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Ўзсанотқурилишбанк" АТБ Чилонзор филиали филиал биносини реконструкция қилгаётган са-бабли бинони техник кўриқдан ўтказиш мақсадида ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғри-сидида батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ц-мавзе, Меҳр кўчаси. Телефонлар: 276-43-39, 276-55-82.

Нархлари кўрсатилган тижорат тақлифлари ало-ҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун ичида қабул қилинади.

ЮРИДИК ЁРДАМ СИФАТИ ВА АДВОКАТ КАСБИНИНГ НУФУЗИ ОШИРИЛМОҚДА

Фуқароларни ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш доим долзарб аҳамиятга эга. Бу конституциявий ҳуқуқларимиздан бири бўлиб, уни амалга ошириш, юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият юритади.

Мамлакатимизда адвокатура тизимини ривожлантириш бўйича эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 майдаги "Адвокату-ра институтини самарадорлигини тубдан ошириш ва адво-катларнинг мустақиллигини кенгайтириш" чора-тадбир-лари тўғрисида"ги Фармони шу мақсадга хизмат қилади.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ адвокатура тизими тубдан та-комиллаштирилади. Эндиликда профессионал юридик ёрдам сифати ва адвокат касбининг нуфузи оширилади. Суд ишини юритишда тенглик ва тортишув принциплари тўлиқ рўйбга чиқарилади.

Шу мақсадда 2018 йил 1 июлдан бошлаб адвокатга низоларни судгача ҳал қилиш, томонларни яраштириш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, ҳакамлик судьяси си-фатида фаолият юритиш ҳуқуқи берилади. Албатта, адво-кат томонлардан бирининг вакили бўлган ҳолатларда бун-га йўл қўйилмайди.

Адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини бе-рувчи лицензияни олиш учун адвокатлик тўзимасида маж-бурий стажировка ўташ мuddати уч ой деб белгиланди. Аввал бу мuddат олти ойни ташкил этган.

Давлат органлари ва ташкилотларнинг юридик хизма-ти ходимлари ва судья, терговчи ёки прокурор лавозими-

да камида уч йил фаолият юритган шахслар мажбурий стажировкадан озод этилади.

Аввал адвокат узрли сабабларсиз уч ой ўз касби бўйича ишламаса, яъни адвокатлик билан шугулланмаса, унинг лицензияси тугатилар-эди. Бу мuddат олти ойга узайти-рилди.

Эндиликда адвокатлар бир танланган мутахассислик бўйича алоҳида лицензия асосида юридик ёрдам кўрсата-ди. Бунда фаолият юритаётган адвокатлар лицензиялари-ни қайта расмийлаштиришда қайта аттестациядан ва йи-гилмаларни тўлашдан озод этилади.

Адвокатлик лицензиясининг амал қилишини тугатиш Ад-лия вазирлигининг мурожаати бўйича Олий малака комис-сияси ҳулосасига асосан фақат суд томонидан амалга оши-рилади.

Яна бир янгилик: адвокат мақомини олиш бўйича мала-ка имтиҳонини такроран топшириш мuddати бир йилдан олти ойгача қисқартирилди.

Адвокатлар ўзининг ҳимоясидаги шахслар билан аудио ва видеокузатув қўрилмалари бўлмаган махсус хоналарда ҳамда бегона шахсларнинг иштирокисиз ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз учрашиши таъмин-ланади. Бунда, адвокат ва ҳимоясидаги шахснинг суҳ-

Бугунги кунда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзда тутилган мақсад қонун устуворлиги, инсон манфаатларининг ҳар нарсадан устун эканлиги, аҳолининг ҳаётдан рози бўлишини ифодалайди.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛИДА

Президентимиз ташаббуси билан судларнинг жиноий, фу-қаролик, иқтисодий, маъмурий судларга ихтисослашуви бу йўналишдаги ишларнинг мазму-нан бойишига замин яратди.

Умуман олганда, Маъмурий судлар қандай ишларни кўради? Маъмурий судлар майда безо-рилик, ҳуқуқбузарлик каби низо-лардан келиб чиқадиغان ишлар-ни ҳамда оммавий - ҳуқуқий му-носабатлардан келиб чиқадиغان ишларни кўриб чиқади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик де-ганда асосан майда безорилик, енгил тан жароҳати етказиш, ички ишлар ходимлари талаб-ларига риоя қилмаслик ва бошқа ҳолатлар тушунилади. Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиغان низоларга давлат органлари ва уларнинг мансаб-дор шахсларининг ҳатти-хара-катлари устидан келиб чиқади-ган шикоятларни ҳам Маъмурий судлар кўриб чиқиш ваколатига эга.

Маълумки, Президентимиз томонидан ҳар пайшанба мам-лакатимизда жиноятларнинг олдини олиш ва профилактика кўни сифатида эълон қилинди. Шундан келиб чиқиб, маъму-рий ҳуқуқбузарликларнинг ол-дини олиш ва уларни профи-лактика қилиш мақсадида Уч-тепа туманидаги маҳаллалар

да учрашув, тарғибот, тушу-нириш ишлари олиб борилмоқ-да. Шу билан биргаликда ма-ҳаллаларда ва таълим муасса-саларида сайёр судлар ташкил этилмоқда.

Юристар тилида, "ҳуқуқбу-зарликдан жиноятгача бир кадам", деган ибора бор. Шу-нинг учун биз маҳалладаги ёки таълим муассасасидаги ҳуқуқбу-зарликнинг олдини олиш, фуқа-роларга ҳуқуқбузарликлар учун қандай жазо чоралари белгилана-ди, жарималар миқдори ҳақида тушуниришлар бериб бормоқдамиз. Шу орқали фуқа-роларнинг ҳуқуқий билим ва онгини шакллантириб боришга ҳаракат қилимоқдамиз.

Мисол учун, яқинда Учтепа ту-манидаги "Истироҳат" маҳалла-сида фуқаролар билан очик му-лоқот ва сайёр суд ўтказиш мақ-садида 236- умумтаълим макта-бида тадбир ташкил этдик. Унда маҳалла фаоллари, ёшлар, тар-бияси оғир ўқувчиларнинг ота-оналари иштирок этишди. Учра-шувда ҳуқуқбузарликларнинг ке-либ чиқиш сабаблари, уни кел-тириб чиқишга яратилган шарт-шароитлар ҳақида фикр юри-тилди.

2018 йилнинг ўтган биринчи чорагида Учтепа тумани Маъму-рий судида 1047 та иш кўриб чиқилган бўлиб, унинг 30 фоизи

сайёр судлар орқали ҳал қилин-ган.

Шу ўринда судда кўрилган ай-рим қарорлар моҳиятига тўхта-либ ўтмоқчиман. 1998 йили Тош-кент шаҳрида туғилган Ойбек Жўраев ва 1996 йили Бухоро ви-лоятида туғилган Учқун Аҳмедов-лар 2018 йил 7 апрел кўни соат тахминан 12.30 ларда "Ўрикзор" бозорининг 5-павильонида бир-бирлари билан жамоат жойида жанжаллашиб, уларни тинчлан-тиришга ҳаракат қилган ички ишлар ходимларининг қонуний талабларини



Миллий хунармандчилигимиз намуналари ҳамиша эътиборда



ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИДА — СУВ МУАММОСИ

Бугунги кунда иқлим ўзгариши оқибатида келиб чиқаётган муаммоларнинг ечимини мактаб, коллеж ва лицейлар, қолаверса олий таълим муассасаларида "Тарғибот" гуруҳларини ташкил этиб "Ёшлар қаноти"ни янада ривожлантиришга хизмат қиладиган масалалар ётади.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида халқимиз иқтисодий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётида улкан янгиликлар содир бўлди. Энг асосийси, онг-тафаккури-миз ўзгариб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида халқимизнинг шахсий ва умумий мақсадлар муштараклиги, барча соҳада мукамал бўлишга интилиб келинмоқда.

Шундай бўлсада, сўнгги йилларда иқлим ўзгариши оқибатида сув танқислиги кучайиб бораётган бир вақтда сув ресурсларидан оқилона фойдаланилмаётганлиги долзарб масалалардан бирига айланган. Мазкур муаммони бартараф этиш юзасидан халқаро ташкилотлар, кўплаб олимлар томонидан сув ва сув ресурсларини тежаш, ундан самарали фойдаланиш кераклиги қайта-қайта таъкидланмоқда. Шунингдек, дунёда сув ва сув ресурсларидан фойдаланиш борасида пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш, мавжудларини эса бартараф этишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Юртимизда ҳам сувдан оқилона фойдаланишга хизмат қиладиган янги тежамкор суғориш ва зах қочириш борасида тизимли ислохотлар олиб боришмоқда. Хусусан, ирригация ва мелiorация соҳасини янада ривожлантириш ва тақомиллаштиришга қаратилган бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда.

Иқлим ўзгариши бошимизга қанчадан-қанча мусибатларни солаётгани биргина Орол билан боғлиқ 100 дан ортиқ турли хилдаги хавфлар мавжуд эканлигининг ўзи бу соҳада янада чуқурроқ ўйлашга мажбур этади. Қуйидаги муаммоларга алоҳида эътибор қаратилган бўлса:

Иқлим ўзгариши: Музликлар захирасининг йўқолиши, қути-лаётган сув ресурсларининг 10-15 фоизга қайтарилиши, дарё оқимларининг қайтарилиши ва фавқулодда ҳолатларнинг кўпайиши. Биргина ўтган асрнинг 1990 йилларига ҳам қараганда (таҳминан 5-7 йил) қутилган бўлса, сўнгги йилларда мазкур циклилик сезиларли даражада бўзиди. 50 йил (1950-1999 йй) ичида Орол хавзасида дарёларнинг камсувликлари ва қургоччилик ҳолатлари 9 марта қузилган бўлса, сўнгги 16 йил (2000-2015 йй) ичида худди шундай 5 та ҳолатни ўқратишимиз мумкин. Сув-ер захираларининг дегрeдацияси, экотизимларини бузилиши: Қўллаш, сув ресурсларини ифлосланиши, биохилма-хилликни қайтариш, демографик босим. Иқтисодий жараёнларнинг интенсификацияси, сув танқислигининг ортиб бориши (киши бошига тўғри келувчи сув ресурслари миқдори 3,5 мартага қайтади, қўшимча 700-800 млн. м3 сувга бўлган талаб).

Кўриниб турибдики ерларнинг дегрeдацияси, аҳолининг кескин ортиб бориши, қургоччилик ва камсувлик ҳолати тақдорларининг тендaшганлигини эътиборга олиб сувга бўлган муносабатга янги ўқув-машғулот йўналишида таълим оқибатида содир бўлиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни юмшатишга тайёр туриш лозим. Иқлимга боғлиқ хавфли ҳодисаларни, жумладан демографик босимнинг, қургоччиликнинг олдини олиб бўлмайди, лекин унга мослашиш салоҳиятини ривожлантириш масаласи, айниқса буни қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасида амалга ошириш ўта долзарб масала ҳисобланади.

Бу борада, сувни тежаш, оқилона фойдаланиш, сувни асраш ва муҳофаза қилиш, сувга бўлган муносабатни ўзгартириш даркор. Сувни ажодлардан олган мерос сифатида эмас, авлодлар олдидан қарз сифатида қарашни шакллантириш, сувнинг олоҳиди неъматлиги, сувга ҳурмат билан қараши, уни асраш, беҳуда сарфламаслик тушунарларини халқимиз онгига қайтадан шакллантиришимиз, бунинг учун мактаб, лицей, коллеж, олий таълим муассасалари ўқув дастурларига "Сув бу — ҳаёт", "Сувга муносабат" фанларини киритиш ва оммавий ахборот воситалари орқали сув, унинг жамиятимиз тараққиётидаги ўрни, уни асраш, иқтисод қилиш ва оқилона фойдаланиш масалаларини кенг ва мунтазам ёритиб бориш лозим. Мактаб ўқувчилари ўртасида "Сув — ҳаёт манбаи", коллеж ва лицейлар ўртасида "Сувни асра", олий таълим муассасалари ўртасида "Сув бу — келажак" номида 3 босқичли тизимлашган кўрик-танловларни ташкил этиш орқали энг асосий мақсадимиз — сувга бўлган бугунги муносабатни тубдан ўзгартиришга эришган бўлар эдик.

Жумладан, мактабнинг 5-синф ўқувчилари учун мўлжалланган "Сув бу — ҳаёт" фани ва бу фан доирасида керакли ўқув дарсликлари, қўлланмалар тайёрлаш орқали болаларнинг сувга бўлган муносабатини ўзгартиришга эришилди. Мактаб ўқувчилари ўртасида "Сув — ҳаёт манбаи" деб номланган, сувнинг қадри ҳақидаги турли чиқишлар, иншоолар танлови, табиатни асрашга қаратилган расмлар танлови ўтказилди, коллеж ва лицейларда 1 босқич доирасида "Сувга муносабат" фанини жорий этиш орқали талабаларга сувнинг коммунал ҳўжалида, саноатда, энергетикада ва бошқа ҳаёт тарзида қўллашнинг самараси ўргатилса айна мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Олий таълим муассасаларида эса, муаммоларни инобатга олиб, ахборот етказиш ва янги технологияларни тарғиб этишга қаратилган Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва бошқа айна шу йўналишларда таълим олаётган ОТМ талабаларидан ташкил топган "Тарғибот" гуруҳини шакллантириш даркор.

Бу борада қуйидаги тақлифларни ишлаб чиқиш мумкин. Авваламбор тарғибот гуруҳларини шакллантириш бичири навабга олиб чиқиш керак. Ва бу гуруҳларга иқтисодий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари, тарқатма материаллар орқали, замонавий суғориш, сувдан фойдаланиш, сувни асрашга қаратилган технология ва техникалар ҳақида, фото, видео, қўлланмалар ва имтиёзлар тўғрисида маълумотлар тарқатиш вазифаси юкланса айна мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Дибра ШАРИПОВА,
Экоҳаракат Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси раҳбари,
Ж.МИРЗАҚОБУЛОВ,
Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти магистри

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

36 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 26 ва 27 май эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 26 май кўни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 16-18, кундузи — 34-36.

РЕЙТИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

ФИФА томонидан миллий терма жамоаларнинг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

Унга кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоамиз 88-поғонага лойиқ қўрилди. Юртимизнинг бош жамоаси қитъа миқёсида Эрон, Австралия, Япония, Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Хитой, Қирғизистон, Сурия, БАА, Ливан, Уммон терма жамоаларидан кейин 12-ўринда бормоқда.

Рейтинг жадвалини карвонбоши сифатида Германия терма жамоаси бошқараётган бўлса, фахрли 2,3-ўринларни Бразилия ва Бельгия термалари банд этиб туришибди.

ҲАКАМЛАРИМИЗГА ИШОНЧ

Мамлакатимиздаги футбол ҳакамларига ОФК томонидан юксак ишонч билдирилаётган боис, ҳамюртларимиз халқаро мусобақаларда муваффақиятли фаолият юритмоқдалар.

Бугун Қувайт ва Миср терма жамоалари ўртоқлик баҳсида ўзаро беллашади. Ушбу баҳсини Шерзод Қосимов бош ҳакам сифатида бошқарса, унга қанотларда Андрей Цепенко, Темур Гайнуллин ёрдам беришади.

Шунингдек, 28 май кўнига белгиланган Туркия — Эрон терма жамоалари баҳсига Валентин Коваленко бош ҳакам этиб тайинланган бўлса, унга лайсменлар — Руслан Серазетдинов ва Алишер Усмонов ёрдам беришади.

НОМЗОДЛАР СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси жорий йили уюштирилаётган Осиё ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Халқаро турнирларга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Ўзбекистон олимпия терма жамоаси аъзолари пойтахтда янги ўқув-машғулот йиғинида иштирок этишди. Равшан Ҳайдаров бош мураббийлигидаги мутахассислар олимпия терма жамоасига "Пахтакор", "Насф", "Бухоро", "Шўртан", "Нефчи", "Металлург", "Бунёдкор", "Сўғдиёна", "Локомотив"дан таклиф этилган 23 нафар ёш футболчиларнинг жисмоний, руҳий ҳолатларини синовдан ўтказишди.

Футбол янгиликлари

ЧЕМПИОН ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Футбол бўйича Суперлига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат XXVII миллий чемпионатининг 12-туридан кейин турнир жадвалида пойтахтимиз клублари — "Пахтакор" ва "Бунёдкор" етакчилик қилишмоқда.

Ушбу турда Жиззахда "Сўғдиёна" меҳмони бўлган Шота Арвеладзе бош мураббийлигидаги пахтакорчилар 73-дақиқада Ж.Машарипов томонидан мезбонлар дарвозасига киритилган ягона гол эвазига 1:0 ҳисобида зафар қўчишди ва муҳим очколарни қўлга киритишди. Сафарда АГМК жамоаси билан куч синашган "Бунёдкор"га ҳам ушбу турда омад қулиб боқди. Шиддатли ва мурасасиз беллашув Миржалол Қосимов шогирдларининг 2:1 ҳисобидаги ғалабаси билан тугади.

Амалдаги чемпион "Локомотив" бу сафар ўз майдонидида "Қизилқум" жамоасига очко улашишга мажбур бўлди. Ўйин якунланишига санокли дақиқалар қолганида ҳам 1:2 ҳисобида ортда бораётган темирйўлчилар сўнгги дақиқаларда меҳмонлар дарвозасини аниқ нишонга олишди ва баҳсининг 2:2 ҳисобида дуранг билан якунланишини уйдасидан чиқишди.

Қолган учрашуларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Насф" — "Нефчи" — 2:0, "Навбахор" — "Металлург" — 3:0, "Қўқон — 1912" — "Бухоро" — 1:2.

ИМКОН БЕРИЛДИ

Эронда футбол бўйича Эрон ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўртасида назорат-ўртоқлик учрашуви уюштирилди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда футболни янада ривожлантириш, муҳлисларнинг хабарлари бор албатта. Шу кўнчада бош жамоамиз Африка қитъасининг Сенегал, Марокаш терма жамоалари билан куч синашди. Ўзбекистон ҳамда Эрон футбол мутасаддиларининг ўзаро келишувига кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафарда Эрон терма жамоасига қарши майдонга

мушарраф бўлишди, бу сафар терма жамоамизга легионерлар ва тажрибали футболчилар эмас, асосан, олимпия термаимиз шарафини ҳимоя қилган ёш чарм тўп усталари жойизки, ёш футболчиларимиз ўзларидан анча тажрибали бўлган форсларга қарши анча сермазмун ўйин намойиш этишди. Нестеров ўрнига дарвозани ҳимоя қилган Ботиржон Эргашев миллий терма жамоамизни голлардан саклаб қолди ва ишончини оқлади. Ўйин 1:0 ҳисобида мезбонларнинг ғалабаси билан якунланди. Аммо ушбу баҳс ўзбекистонлик футболчилар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ҚИЛИЧБОЗЛАР УЧУН МАҲОРАТ МАШҚЛАРИ

Халқаро қиличбозлик федерацияси спортчиларнинг маҳоратини ошириш бўйича миллий федерацияларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида дастурини ишлаб чиққан ва уни изчил амалга оширмоқда. Ушбу дастур доирасида Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси мураббийлари ва спортчиларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Россиядан тажрибали устоз А.Житецкий жалб этилди.

А.Житецкий қиличбозлик бўйича спорт устаси, ўз вақтида мамлакат терма жамоасининг сафида жаҳон ва Европа биринчиликларида иштирок этган. У 1972 йилдан буён ёш қиличбозларга устозлик қилиб келмоқда. Александр Сергеевичнинг шогирдлари Г.Пискунов, К.Парфёнов ва бошқалар Россия чемпионлари бўлган, бу мамлакат терма жамоаси сафида Олимпия ўйинлари, жаҳон ва Европа биринчиликларида муваффақиятли иштирок этган.

А.Житецкий Германия, Мўғулистон ва Туркия давлатларида ҳам қиличбоз спортчиларга устозлик қилган. Унинг туркиялик шогирдларидан бири — Иброҳим Аҳмад ёшлар ўртасида Европа ва жаҳон чемпиони бўлган.

— Сўнгги йилларда ўзбекистонлик спортчилар Осиё чемпионатида бир қатор муваффақиятларга эришиб, ўзбек қиличбозлик спорт мактаби шухратини тиклай бошлади, — деб таъкидлайди Александр Сергеевич. — Уларнинг маҳоратларини оширишга ўз ҳиссамни қўшиш имконияти берилганидан нихоятда миннатдорман.

Жаҳон даражасидаги тажрибали устоз бир ҳафта давомида қиличбозлик бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийлари ва аъзолари билан назарий семинар машғулотлари ва амалий кўргазмалар маҳорат машқлари ўтказди.

Бахтиёр ҲАЙТОВ

ЭКОЛОГИК БИЛИМЛАРИ БОЙИТИЛМОҚДА

Ҳозирги даврда келажакимиз пойдевори бўлган ёш авлоднинг экологик тарбиясига жиддий эътибор берилмоқда.

Экологик мувозанат бузилишининг олдини олиш учун энг аввало, экологик тарбия, экологик дунёқарашни шакллантириш лозим. Мактаб, лицей ва коллежларда экология фанини ўқитиш, шу соҳага мутахассисларни жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу мақсадда "ЭКОСАН" экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди, "Экология асослари" ўқув қўлланмасини республикадаги ҳудудий Халқ таълими бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳридаги академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига хайрия йўлида тарқатмоқда.

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиiddинов номидаги академик лицейда "Ёшларнинг тиббий ва экологик маданиятини юк-

салтириш" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Очик мулоқот тарзида ўқатилган тадбирда ўқувчилар табиатни асраш борасида фикр ва мулоҳазаларини рус, инглиз ва турк тилларида айтиб беришди. Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларига мутахассислардан жавоб олдилар.

Лицейнинг биология кафедраси мудири Муҳтарам Асламова ва Муниса Раззоқовалар сўзга чиқиб, бугунги мавзунинг долзарблигига алоҳида эътибор қаратиб, ёшларни, аввало, табиатни, Ватанини севишни ўрганишга чорлашди. Барчамиз атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ер ости бойликларини, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиат захираларини келажак

авлод учун асраб-авайлаш кераклиги, улардан оқилона фойдаланиш эса, ҳар бир инсоннинг бурчи ҳисобланиши алоҳида таъкидланди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки жамиятимизда ёшларнинг экологик таълим-тарбияси, экологик онги ва маданиятини юксалтириш борасидаги амалий, илмий-тадқиқот ишларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш, республикамизда бу борадаги ишларни янада кучайтириш орқали соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга, экологик асосларини яратишга хизмат қилади.

Гулноза ДЖАЛИЛОВА,
"ЭКОСАН" экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди бош мутахассиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Миробод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Миробод тумани, Толлимаржон кўчаси, 18-уй, 5-хонадон учун Юсупова Гулноз Саимова номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежи томонидан Игамбердиева Дилноза Агзамовна номига 2005 йилда берилган К № 281165 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

01.02.2008 йилда "FAYZLI AHIL OILA" ХУЖМШ номига берилган 10080702010033 рақамда кадастр рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги кадастр ҳужжати ва гувоҳнома-си йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

1318 0100-7004

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 535

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
10463 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Қорхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРМОВ

Тошпириш вақти: 13.00 Босишга тошпирилди: 15.10